



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 31 » декабрь

№ 822

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг функционал вазифалари, Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти ҳамда Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири лавозимини киритиш тўғрисида” 2020 йил 10 мартдаги ПҚ–4635-сон, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги ПҚ–4710-сон қарорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 августдаги ПФ–6042-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг функционал вазифалари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков **бир ҳафта муддатда** Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти ҳамда Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси раҳбарлари ва мутахассисларининг функционал вазифалари тақсимланишини тасдиқласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифалари ҳамда Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 28 февралдаги 179-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 31 декабрдаги 822-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи  
иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар  
ва ташқи савдо вазирининг функционал вазифалари тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февралдаги ПҚ–4612-сон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири лавозимини киритиш тўғрисида” 2020 йил 10 мартдаги ПҚ–4635-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 августдаги ПФ–6042-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг (кейинги ўринларда – Бош вазир ўринбосари) функционал вазифаларини белгилайди.

2. Бош вазир ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси унинг номзодини маъқуллагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади.

Бош вазир ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

3. Бош вазир ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Бош вазир ўринбосарининг фаолияти инвестиция, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, республикада қўлай инвестиция муҳитини сақлаш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш, экспортни давлат

**томонидан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал сектори маҳсулотларининг экспорт ҳажмлари ҳамда географиясини кенгайтириш, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва логистика билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга йўналтирилган.**

5. Бош вазир ўринбосари мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзоси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати таркибига киради.

Бош вазир ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида бевосита иштирок этади.

6. Бош вазир ўринбосарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4332-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари бўйсунади.

## **2-боб. Бош вазир ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ва функционал мажбуриятлари**

7. Қуйидагилар Бош вазир ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, парламент, қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан тизимли мониторингни таъминлаш, шунингдек, жойлардаги ишларнинг реал ҳолатини доимий ўрганиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида** белгиланган вазифалар, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси, **2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини ҳамда ўрта муддатли ва узоқ истиқболда ривожлантиришнинг тасдиқланган тармоқ ва ҳудудий дастурлари** ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларини ташкил этиш;

кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этиш учун **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан** келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури доирасидаги вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳисоботлар тайёрланишини таъминлаш;

Ҳукумат, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг асосий халқаро рейтинглар ҳамда индексларда Ўзбекистон Республикасининг позицияларини яхшилаш бўйича ишлари самарадорлигини ошириш соҳасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

жойларда **“халқ билан мулоқот”** ва **шахсий учрашувлар** амалиётини такомиллаштириш чораларини кўриш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва реал даромадлари оширилишини кафолатловчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

**замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан, шу жумладан илғор тажрибани ўрганиш асосида, зарурат бўлганда, ушбу мақсадлар учун хорижий консултантларни жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертизадан ўтказиш ва кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш;**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўмиталари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини юзага келадиган муаммолар сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, ишларни ташкил этишнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга қайта йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини хусусий сектор субъектларига бериш орқали ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида, вазирликлар ва идораларда, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликларда ижро интизоми даражасини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари, баённомалари ва топшириқлари, шунингдек, **“йўл хариталари”** нинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

давлат бошқарувини номарказлаштириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш, марказий ва ўрта бўғин бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш орқали бошқарувнинг вертикал тизими механизмларини ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутат Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари бажарилишининг мониторингини амалга ошириш;

Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибиятида (кейинги ўринларда – Котибият), Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекциясида (кейинги ўринларда – Инспекция) шунингдек, бириктирилган вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бирлашмаларида кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш ва кадрларнинг амалий захирасини тайёрлашнинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш;

давлат бошқаруви тизимига жумладан, стратегик режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг замонавий шакллари, усуллари ва принциплари жорий этилишини мувофиқлаштириш;

барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришиш, ривожланиш давлат дастурлари, инвестиция дастурларини амалга оширишнинг сифат ва самарадорлик мезонларига, шунингдек, экспорт прогнозларига асосланган баҳолаш тизими жорий этилишини мувофиқлаштириш;

Ҳукуматнинг муайян соҳалар ва йўналишларда ислохотларнинг амалга оширилиши ҳамда натижадорлигини ўрганиш мақсадида ҳудудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида мавзуга оид сайёр (очиқ) мажлисларини тизимли асосда ўтказиш.

8. Қуйидагилар Бош вазир ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) инвестиция, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2019 йил 28 январдаги ПФ–5643-сон Фармонида назарда тутилган инвестициялар, ташқи иқтисодий фаолият соҳаси ва ташқи савдо йўналишларида бошқарув тизимини такомиллаштириш;

**ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича иқтисодий тармоқлари ҳамда мамлакат ҳудудларига инвестиция киритиш ҳажмлари кенгайтирилишини рағбатлантириш, республикада инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш;**

хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида мувофиқ 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати стратегияси, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир ташкилий-амалий тадбирларни мувофиқлаштириш;

**давлат инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини шакллантиришда,** шунингдек, юқорида қайд этилган дастурларга киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

хорижий инвестицияларни, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашиш маблағларини жалб қилиш учун инвестиция таклифларининг ягона базаси юритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли асосда инвестициявий ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш ҳамда диверсификациялашга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий инвесторлар билан инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш ишларининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда ошириш борасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, **Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг раҳбарлари ҳамда савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари ва халқаро ташкилотлардаги доимий вакиллари фаолиятини мувофиқлаштириш;**

инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолиятини, инвестор томонидан ўзининг инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокида инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш орқали мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

**халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жалб қилинадиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситаларидан** (грантларидан), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан марказлашган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида ва хорижда мамлакатнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш учун **халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумларини ташкил этишга кўмаклашиш;**

энг аввало, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида лойиҳа институтлари ҳамда республика ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Инвестиция порталининг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ишларини мувофиқлаштириш, портал контентини мунтазам янгилаб бориш, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати, инвесторлар мурожаатларини кўриб чиқиш яқунлари ва бошқалар ҳақида марказлаштирилган маълумотлар базасини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 августдаги ПФ–6042-сон Фармонида асосан ташкил этилган Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг фаолиятига раҳбарлик қилиш;

ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестицияларга бўлган эҳтиёжи, олдиндан ҳисоб-китоб қилинган аниқ лойиҳалар ҳамда салоҳиятли инвесторлар учун қизиқиш уйғотадиган бошқа ахборот акс эттирилган Ўзбекистон Республикасининг интерфаол инвестиция харитасини жорий қилиш ҳамда унинг фаолиятини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда инвестиция ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги халқаро шартномаларнинг лойиҳалари белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

ташқи иқтисодий фаолият алоқалари соҳасида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштирилишида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, республикани ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорликни ташкил этиш ҳамда унинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

**биринчи навбатда, ташқи савдо айланмасининг мутаносиблигини таъминлаш, экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, товарлар ва хизматлар импорти ҳажмлари ва тузилмасини оптималлаштириш, божхона-тариф ва нотариф сиёсатини тартибга солишга доир таклифлар тайёрланишини ташкил қилиш борасида ягона ташқи иқтисодий сиёсат юритилишини мувофиқлаштириш;**

тизимлаштирилган маълумотлар базасини шакллантирилиши ва юритилишини ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари якунлари бўйича ташқи савдо ҳамкорлиги юзасидан эришилган келишувлар бажарилишининг мониторингини амалга ошириш, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга оид ишлаб чиқилган таклифларни баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзига хос товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензиялар бериш ишларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида буюмлар ва маҳсулотлар экспорти бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш;

тегишли вазирликлар ва идоралар, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ҳамда ташқи иқтисодий хавфсизлигига риоя этилишини таъминлаш юзасидан хулосаларни эксперт жиҳатидан ишлаб чиқиш ҳамда тайёрлашда белгиланган тартибда иштирок этиш;

хорижий давлатлар ҳукуматлари, фирмалар, компаниялар ва нодавлат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар вакиллари билан ўтказиладиган музокараларда иштирок этиш;

***б) инвестиция дастурлари, хусусан, ҳудудий ривожланиш инвестиция дастурларини шакллантирилишини мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш соҳасида:***

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларини, қисқа ва ўрта муддатли тармоқ ҳамда ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тадбирларини мувофиқлаштириш;

инвестициялардан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш;

**молиялаштиришнинг турли манбалари, шў жўмладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани иқтисодий юксалтириш ҳамда мувозанатли ривожлантириш сўрўатларининг инвестиция ресурсларига бўлган эҳтиёжлар билан боғлиқлигини таъминлашга доир таклифлар ишлаб чиқиш;**

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан инвестиция, моддий ва қиймат баланслари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, уларнинг ижроси юзасидан мониторинг юритиш;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда **йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш схемаларини кўриб чиқиш;**

инвестиция лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аниқ инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатларнинг кўриб чиқилиши, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг самарали ҳамда энг мақбул схемаларини танлаш бўйича таклифлар тайёрланишини таъминлаш;

давлат, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, инвестиция дастурлари доирасида маблағлар жалб этилиши ҳамда ўзлаштирилиши бўйича белгиланган прогноз параметрлар бажарилиши учун тизимли ва қатъий назоратни ташкил қилиш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ҳамда мониторинг давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар базаси яратилишини, юритилишини ҳамда мунтазам янгиланишини таъминлаш;

давлат ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар, шунингдек, инвестиция дастурларининг амалга оширилиши, инвестиция дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишини, жумладан, жойларга борган ҳолда ўрганиш, Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ҳамда таклифлар тайёрлаш;

инвестиция лойиҳаларининг дастлабки ва якуний техник-иқтисодий асослари ҳамда ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилиши ва мослаштирилиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мувофиқлаштирилишини, шунингдек, лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиши, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватланишини таъминлаш;

*в) хорижий инвестицияларни жалб қилиш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари, дипломатик ваколатхоналари ва уларнинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:*

хорижий инвестицияларни жалб этиш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар ва имтиёзлар бериш бўйича вазирликлар, идораларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиши ва келишилишини таъминлаш;

мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан инвестициявий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2019 йил 28 январдаги ПФ–5643-сон Фармонида мувофиқ хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш, уларнинг иқтисодиётга кенг киритилиши учун шарт-шароитларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш учун инвестиция таклифларининг ягона базасини шакллантириш ва янгилаш жараёнини мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яратилган инвестиция муҳити, шу жумладан инвестиция киритиш жараёнининг асосий тартиб-таомили масалалари, шунингдек, амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция таклифлари тўғрисидаги ахборотни салоҳиятли инвесторлар ва кредиторларга етказиш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликнинг қисқа ҳамда ўрта муддатли дастурларининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини мувофиқлаштириш, уларнинг вазирликлар ва идоралар томонидан ўз вақтида ва самарали бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликнинг устувор ва истикболли йўналишлари бўйича таклифларнинг ишлаб чиқилишини таъминлаш;

техникавий кўмаклашиш грантлари ва маблағларини республикага жалб этиш тадбирларини мувофиқлаштириш;

тизимлаштирилган маълумотлар банки шакллантирилиши ва юритилишини ташкил этиш, халқаро молия ва иқтисодиёт институтлари билан ҳамкорлик дастурига киритилган инвестиция, грант ва техникавий кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

*хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари, дипломатик ваколатхоналари ва уларнинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари ишларини мувофиқлаштириш;*

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

инвестиция фаолиятини амалга ошириш, хорижий инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш борасида давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари, дипломатик ваколатхоналари **фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилишини таъминлаш;**

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сон қарорига мувофиқ чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш технологияларини жорий қилиш, тайёр

чарм-пойабзал, чарм-галантерея, мўйна, қоракўл маҳсулотлари ҳамда жун буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

*д) эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш соҳасида:*

**“Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2018 йил 21 декабрдаги ПФ–5600-сон Фармони ҳамда **“Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2019 йил 21 июндаги ПҚ–4363-сон қарорига мувофиқ махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашлари ва дирекцияларининг, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш масалаларида фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда самарадорлигини таҳлил қилиш, махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашларига ташқи бозорларда талаб қилинган ва импортнинг ўрнини босувчи юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш;

саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасида янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шу жумладан маҳаллий хомашё ва материаллар негизда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида жойлаштирилган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторинги олиб борилиши ва таҳлил қилинишини ташкил этиш;

инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишда, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этишни таъминлаш;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини, республика ҳудудларининг мавжуд ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий хомашё ва материалларни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва улардан фойдаланиш асосида уларда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган лойиҳаларни янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва дастурларни шакллантириш;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш мақсадида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир таклифларни белгиланган тартибда киритиш;

***е) иқтисодиётнинг реал сектори маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида:***

юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш, ташқи бозорларда янги турдаги рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларни жаҳон бозорларига чиқариш ҳисобидан экспорт салоҳиятини кенгайтириш, товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажмлари ва тузилмасини оптималлаштириш бўйича иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

**ички ва ташқи бозорларни ривожлантириш тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш ишларини мувофиқлаштириш, шу асосда иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, энг аввало, экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини ошириш, ташқи савдо бозорларини диверсификациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;**

товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ҳар йилги прогнозларини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш ва давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари томонидан экспортнинг белгиланган прогноз параметрлари сўзсиз бажарилишини тизимли назорат қилиш;

махаллий товарлар (ишлар, хизматлар)ни ташқи бозорларга чиқариш учун қулай шароитлар билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқирилишини ташкил этиш, **Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларига экспорт фаолиятини амалга ошириш ҳамда хорижий шериклар билан узоқ муддатли барқарор савдо алоқалари ўрнатишга кўмаклашиш;**

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, экспортнинг асосий номенклатураси, экспорт қилувчи ташкилотларда маркетинг хизматлари ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатишига услубий ва амалий кўмаклашиш бўйича маркетинг ва таҳлилий шарҳлар тайёрлаш;

иқтисодиётнинг реал секторида экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва дастурларнинг ҳар томонлама таҳлил этилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, қайд этилган лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, бажарилишини мониторинг қилиш, шунингдек, тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришиш юзасидан таклифлар ва тадбирлар ишлаб чиқиш;

**ж) ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш соҳасида:**

юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш, ташқи бозорларда янги турдаги рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларни жаҳон бозорларига чиқариш ҳисобига ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажмлари ва тузилмасини оптималлаштириш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ташқи бозорлардаги узоқ муддатли тенденциялар натижалари ва уларнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг замонавий қувватларини, **зарур транспорт-логистика инфратузилмасини ташкил этиш ҳамда экспортчи корхоналарни амалий қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил қилиш;**

ҳудудий даражада товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ҳар йилги прогнозларини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар томонидан экспортнинг белгиланган прогноз параметрлари сўзсиз бажарилишини тизимли назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2020 йил 18 августдаги ПФ–6042-сон Фармонида асосан экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ҳамда олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари”га киритилган таadbирларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, илм-фан ва инновация ютуқларни кенг жорий этган ҳолда ҳудудларда “саноат кластерлари”ни ташкил этиш;

ҳудудларда экспортбоп маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришни ташкил қилишда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида **ҳудудий бўйсунувдаги ташкилотлар ва бошқа турдош тармоқлар, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқлараро саноат кооперациясини йўлга қўйишга кўмаклашиш;**

ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва истикболли режаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда комплекс экспертизадан ўтказиш, устувор лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш, шунингдек, иқтисодиёт ва экспортни

ривожлантиришнинг тасдиқланган параметрларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича таклифлар ҳамда тадбирлар ишлаб чиқиш;

худудий бўсунувдаги ташкилотлар томонидан экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва юклаб жўнатиш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилишининг назоратини ташкил этиш, уларга молиявий ва бошқа ресурсларни жалб қилиш масалаларини, шунингдек, экспорт фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш;

жаҳон ва минтақавий мева-сабзаёт маҳсулотлари бозорларининг конъюнктураси чуқур ўрганилишини мувофиқлаштириш, шу асосда республика ҳудудларида янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзаёт маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилишни жадал ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мева-сабзаёт маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари, узумни экспорт қилиш бўйича ўрта ва узоқ муддатли прогнозлари, мева-сабзаётчиликка ихтисослаштирилган туманларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

**янги узилган ва қайта ишланган маҳаллий мева-сабзаёт маҳсулотларини экспортга чиқаришни таъминлаш, янги савдо бозорларини топиш ҳамда ўзлаштириш, республикада халқаро мева-сабзаёт ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тузиладиган шартномалар доирасида уларни етказиб бериш ҳажмлари ва географиясини мониторинг қилиш;**

экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан экспорт маҳсулотларини етиштириш ва юклаб жўнатиш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторингини таъминлаш, уларнинг фаолиятида юзага келадиган, шу жумладан зарур молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш;

мамлакатда янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзаёт маҳсулотларини экспорт қилишни ташкил этиш учун ихтисослаштирилган янги инфратузилма объектларини ташкил қилиш, сабзаёт омборлари ва совутиш қурилмаларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш, замонавий идиш-қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

***з) олий даражадаги таширлар натижасида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари” ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:***



“йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирлар, шу жумладан экспорт келишувларининг тўлақонли бажарилиши ҳамда инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

“йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларнинг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз вақтида ҳамда самарали ижро этилишини таъминлаш, тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан “йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларнинг ижро этилишида сунъий равишда чўзиш ва сансалорлик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

*и) экспорт фаолиятини молиявий ва суғурта жиҳатидан қўллаб-қувватлаш соҳасида:*

экспорт қилувчи корхоналарнинг молиявий ресурслардан фойдаланишини таъминлаш ишларини ташкил этиш, ноҳомашё экспорт ҳажмлари, миллий экспортчилар ва уларнинг маҳсулотларини харид қилувчи мамлакатлар сонини кўпайтиришга кўмаклашиш;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**” 2019 йил 24 майдаги ПҚ–4337-сон ва “**Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидага**” 2020 йил 7 майдаги ПҚ–4707-сон қарорларига мувофиқ республикада ва хорижда халқаро стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш тизимларини жорий қилиш, хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотни рўйхатга олиш боғлиқ харажатларни қоплаш, маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш учун экспорт қилувчи корхоналарга мақсадли молиявий кўмаклашиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

маҳаллий экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш ва суғурталаш механизмларини муваффақиятли жорий қилган хорижий давлатлар тажрибаси инобатга олинган ҳолда, экспортolni ва экспортни молиялаштиришни, экспорт кредитлари ва таваккалчиликларини суғурталаш механизмлари, жумладан, халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда жорий этилишини таъминлаш;

савдони молиялаштириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг қарзлари ва имтиёзли кредитларини жалб қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

**к) Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (кейинги ўринларда – ЖСТ) қўшилиши соҳасида:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида**” 2019 йил 28 январдаги ПФ–5643-сон Фармонида белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ЖСТ аъзо бўлиш ва бошқа кўп томонлама иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш, шунингдек, миллий қонунчиликни **ЖСТ битимлари талабларига мувофиқ мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;**

Вазирлар Маҳкамасининг “Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 28 майдаги 339-сон қарорига мувофиқ **Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия фаолиятини мувофиқлаштириш;**

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга қўшилиши бўйича музокара жараёнида Ўзбекистон Республикаси вакилларининг иштирок этишини мувофиқлаштириш, унинг котибияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ташқи савдо соҳасида икки томонлама ҳамда кўп томонлама битимлар (шартномалар) тузиш;

**Ўзбекистон Республикасининг ЖСТдаги маслаҳатчиси-вакили ва ЖСТ тузилмалари билан ишлаш бўйича биринчи котиб, Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги (Швейцария Конфедерацияси) БМТ Бўлими ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузурдаги Доимий вакили фаолиятини мувофиқлаштириш;**

**л) транспорт-логистикани ривожлантириш соҳасида:**

инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш ва ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан транзит салоҳияти даражасини ошириш, логистика ва транспорт йўлакларини такомиллаштириш, шунингдек, экспорт маршрутларини диверсификация қилиш масалаларини илгари суриш;

халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, юк ташиш транспорти оқимларини мақбуллаштириш, халқаро ва минтақавий транзитни ривожлантириш;

транспорт соҳасида инвестиция, экспорт ва халқаро йўналишларда логистика тизимида хавфсизликни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш, инновацион технологиялар ва интеллектуал транспорт тизимларини жорий этиш;

***м) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш соҳасида:***

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни (сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар) ривожлантириш, ушбу масалаларда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий давлатлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларидаги муносабатларни қисқа ва ўрта муддатли ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича таклифларни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларига ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланадиган халқаро шартномалар, инвестицион келишувлар ва экспорт контрактлар лойиҳаларини тайёрлашни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларга олий ва юқори даражадаги ташрифлар, шунингдек, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида эришилган келишувларнинг бажарилиши бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий давлатлар билан ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) мажлисларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш;

ҳукуматлараро комиссияларнинг (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) мажлислари яқунлари бўйича эришилган келишувлар ҳамда қабул қилинган баённома қарорлар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилишини назорат ҳамда мониторинг қилиш;

***н) ҳудудларда “саноат кластер”ларини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш соҳасида:***

иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда саноатни жадал ривожлантириш ҳамда илм-фан, инновация, лойиҳа, молия, инжиниринг ва инвестиция ташкилотларини қамраб олган “саноат кластер”ларини ташкил этиш;

маҳаллий хомашё ҳамда материаллардан самарали фойдаланиш асосида қўшимча қиймат занжирини яратишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ташкил этиш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш мақсадида халқаро стандартларга мувофиқ техник регламент лойиҳаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;

хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, нотариф механизм ва усулларни жорий қилиш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш, янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

9. Бош вазир ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Бош вазир томонидан ижтимоий соҳада ислохотларнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида ҳудудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида мавзуга оид сайёр (очик) мажлислар ўтказиш учун тегишли таҳлилий материаллар тайёрланиши ва киритилишини тизимли асосда таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ҳузурида кўриб чиқиш учун тегишли режалаштирилган масалалар тайёрланиши ва киритилишини таъминлайди;

**мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ўта муҳим ва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган концепциялар, давлат дастурлари ҳамда “йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланиши ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ҳимоя қилинишини таъминлайди;**

Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришишга асосланган фаолиятини тизимли баҳолайди;

тегишли вазирликлар, қўмиталар ва бошқа давлат органлари раҳбарлари, ҳокимлар ўринбосарларига юкланган вазифа ҳамда функциялар самарали ва натижали бажарилиши учун уларнинг шахсий роли ва масъулиятини ошириш чораларини кўради;

тегишли йил учун қабул қилинган давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳар чораклик ҳисоботлар тайёрланиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига биноан республиканинг тегишли ҳудудлари ва тармоқларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифалари ҳамда дастурлари, иқтисодий ислохотлар бажарилишини мувофиқлаштиради;

Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибиятига ва Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекциясига бевосита раҳбарлик қилади;

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 августдаги ПФ–6042-сон фармони билан ташкил этилган Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига раислик қилади;**

мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар, шунингдек, ҳудудлар ва бошқа ташкилотларнинг ўзи юритадиган масалалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

аниқ соҳалар ва йўналишларни ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий сафарлари ва республика ҳудудларига ташрифлари якунлари бўйича белгиланган топшириқлар ҳамда вазифаларни бажариш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқирилиши, амалга оширилиши ва мониторинги олиб борилишини мувофиқлаштиради;

йил чораклари бўйича капитал қўйилмаларнинг тежаб қолинган ва ўзлаштирилмаган лимитларини қайта тақсимлаш, биринчи навбатда, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга мақсадли йўналтириш бўйича таклифлар тайёрланишини таъминлайди;

**эркин иқтисодий зоналар иштирокчисининг мақомини тўхтатиб туриш ёки ундан маҳрум этиш, махсус иқтисодий зоналар маъмурий кенгашлари ва дирекциялари ёки бошқа ташкилотларнинг инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмагани тўғрисидаги асосланган тақдимномалари бўйича маъмурий кенгашларнинг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида хўжалик субъектларини жойлаштириш ҳақидаги қарорларини бекор қилиш ташаббусларини илгари суради;**

Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибиятига ва Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси фаолият юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат

манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди, ҳужжатларнинг тайёрланган лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасини ва сифатли тайёрланишини ташкил этиш масалаларида Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ҳамда топшириқларининг бажарилиши юзасидан белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, уларнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан биргаликда Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти мудирини, унинг ўринбосарлари ва мутахассислари ҳамда Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси бошлиғи ва мутахассислари лавозимларига кадрлар танлайди;

Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти мудирини, унинг ўринбосарлари ва мутахассислари, Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси бошлиғи ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибиятида ва Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекциясида кадрлар захирасини шакллантириш ишларини тизимли асосда ташкил этади;

тегишли комиссияларга (кенгашларга) раҳбарлик қилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлик қиладиган комиссиялар (кенгашлар) фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг ўзи юритадиган масалалар бўйича қарорлари бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди.

### **3-боб. Бош вазир ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

10. Бош вазир ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

**бириктирилган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари коллегиял органларининг мажлисларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири топшириқлари бўйича — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзи юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;**

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакилларини Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш;

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талаблари бузилган ҳолда келадиган ҳужжатларни қайтариш.

Бош вазир ўринбосарининг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари ва топшириқлари унинг томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

**Бош вазир ўринбосарининг ўзи юритадиган масалалар бўйича вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига бериладиган топшириқлари белгиланган тартибда бажарилиши мажбурийдир.**

## 11. Бош вазир ўринбосари:

ўзига юкланган, ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида кўрсатилган вазифалар ва функцияларнинг зарур тарзда ва самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва мутасаддилик қилинадиган, Котибият ва Инспекция ваколатларига кирадиган масалалар бўйича бошқа қонун ҳужжатлари билан Вазирлар Маҳкамасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, баённомалари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Бош вазир ўринбосари олдига бевосита қўйилган вазифаларнинг тегишли даражада ва самарали бажарилиши;

ўзи раҳбарлик қиладиган Котибият ва Инспекциядаги ишларнинг ҳолати, давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, бошқа ташкилотлар фаолиятининг тегишли равишда мувофиқлаштирилиши ва назорат қилиниши, унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилиши;

олий даражадаги хорижий ташрифлар, шунингдек, республика ҳудудларига сафарлар яқунлари бўйича унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича тасдиқланадиган “йўл хариталари”нинг тегишли равишда ва самарали бажарилиши;

тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари томонидан **Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари бажарилишининг мониторинги олиб борилиши;**

жойлардаги реал аҳволни доимий ўрганиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари лойиҳаларининг давлат манфаатларини таъминлаш,



иқтисодий самарадорлик нуктаи назаридан ва улардаги масалаларнинг барча манфаатдор тузилмалар билан боғлиқ ҳолда пухта экспертизадан ўтказилиши юзасидан назоратни таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида**” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ–3962-сон ва “**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида**” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарорларига, шунингдек,

Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига изчил риоя этишнинг таъминланиши учун жавоб беради.

#### **4-боб. Бош вазир ўринбосари фаолиятини ташкил этиш**

12. Бош вазир ўринбосарининг ишлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари асосида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти ва Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекциясининг иш режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан тасдиқланади.

13. Бош вазир ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари ижросининг тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг иш режасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига мувофиқ комплекс ўрганишларни амалга ошириш, Вазирлар Маҳкамасининг, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида ҳисоботларни эшитиш йўли билан ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 31 декабрдаги 822 -сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар,  
экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар  
масалалари котибияти тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти (кейинги ўринларда – Котибият) Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Котибият фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирини (кейинги ўринларда – Бош вазир ўринбосари), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси), унинг Раёсатини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий алоқалар ва логистика масалалари бўйича ахборот-таҳлилий жиҳатдан, шунингдек, Бош вазир ўринбосари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган.

3. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Котибият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Котибият Бош вазир ўринбосарига бўйсунди, бир вақтнинг ўзида унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Котибият ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда амалга оширади ҳамда уларнинг инвестиция, экспортни қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва логистика масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради.

## 2-боб. Котибият фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Котибият фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган асосий принципни ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси** вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясини, **2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини** ҳамда ўрта муддатли ва узок истиқболда ривожлантиришнинг тасдиқланган тармоқ ва ҳудудий дастурлари ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, Қонунчилик палатаси депутатлар ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишини мониторинг қилиб бориш, шунингдек, **жойлардаги ишларнинг реал ҳолатини доимий ўрганиш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;**

Ҳукумат аъзолари, барча даражалардаги вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг самарали ва натижали бажарилиши учун уларнинг шахсий роли ҳамда масъулиятини ошириш ҳисобга олинган ҳолда Котибият функцияларининг сифатли ҳамда тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш;

кейинчалик **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этиш мақсадида тегишли йил учун қабул қилинган давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида таҳлилий материаллар ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш;**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг асосий халқаро рейтинглар ҳамда индексларда Ўзбекистон Республикасининг позицияларини яхшилаш бўйича иш самарадорлигини ошириш соҳасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жойларда “**халқ билан мулоқот**” ва шахсий учрашувлар амалиётини такомиллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, шу жумладан аҳолининг бандлиги ва реал даромадлари оширилишини таъминлашни кафолатловчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

идоравий мансуб ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани стратегик ривожлантириш дастурларини амалга ошириш сифати ва самарадорлигига асосланган янги баҳолаш тизими жорий этилишини таъминлаш;

иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;

инвестиция, экспортни қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий алоқалар ва логистика соҳаларида давлат сиёсатини самарали ва сифатли амалга оширишда, шу жумладан инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларида вазирликлар ва идораларнинг мустақиллигини идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш орқали кучайтириш;

**инвестиция сиёсатини амалга ошириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича масалалар тайёрланишини ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида кўриб чиқилишини таъминлаш;**

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан, шу жумладан илғор тажрибани ўрганиш асосида, зарурат бўлганда, ушбу мақсадлар учун хорижий консултантларни жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертизадан ўтказиш ва кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

Котибиятда, шунингдек, вазирлик ва идораларда ижро интизоми даражасини ошириш, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари, олий ва юқори даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича “йўл хариталари”нинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини юзага келадиган муаммолар сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, ишни ташкил қилишнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга қайта йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини хусусий субъектларга бериш орқали ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш;

Котибиятда, шунингдек, унга бириктирилган вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бирлашмаларида кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш ва кадрларнинг амалий захирасини тайёрлашнинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш.

7. Қуйидагилар Котибиятнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) инвестиция, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**” 2019 йил 28 январдаги ПФ–5643-сон Фармонида назарда тутилган йўналишларда инвестициялар, ташқи иқтисодий фаолият ва ташқи савдо соҳаларидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;

**барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришиш, давлат инвестиция дастурларини амалга оширишнинг сифат ва самарадорлик мезонларига, шунингдек, экспорт прогнозларига асосланган баҳолаш тизими жорий этиш;**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан Ҳукуматнинг муайян соҳалар ва йўналишларда ислоҳотларнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида Котибиятга бириктирилган вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирокида ҳудудларда мавзуга оид сайёр (очик) мажлисларини ўтказиш учун тегишли материалларни доимий асосда тайёрлаш ва киритиш;

**ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича иқтисодиёт тармоқлари ҳамда мамлакат ҳудудларига инвестиция киритиш ҳажмлари кенгайтирилишини рағбатлантириш, республикада инвестиция мўҳитини янада такомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш;**

хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

давлат инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини шакллантиришда, шунингдек, юқорида қайд этилган дастурларга киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилишда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий инвестицияларни, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашиш маблағларини жалб қилиш учун инвестиция таклифларининг ягона базаси юритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли асосда инвестициявий ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш ҳамда диверсификациялашга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ишларининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда ошириш борасида давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, **Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари ва савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари вакиллари фаолиятини мувофиқлаштириш;**

инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолиятини, инвестор томонидан ўзининг инвестиция мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокида инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш орқали мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жалб қилинадиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситаларидан (грантларидан), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан марказлашган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижда мамлакатнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш учун халқаро **конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш;**

хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш борасида лойиҳа институтлари ҳамда республика ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

инвестиция порталининг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишларини мувофиқлаштириш, портал контентини мунтазам янгилаб бориш, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳолати, инвесторлар мурожаатларини кўриб чиқиш яқунлари ва бошқалар ҳақида марказлаштирилган маълумотлар базасини юритиш;

ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестицияларга бўлган эҳтиёжи, олдиндан ҳисоб-китоб қилинган аниқ лойиҳалар ҳамда салоҳиятли инвесторлар учун қизиқиш уйғотадиган бошқа ахборот акс эттирилган Ўзбекистон Республикасининг интерфаол инвестиция харитасини жорий қилиш ҳамда унинг фаолиятини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда **инвестиция ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги халқаро шартномалар лойиҳаларининг эксперт жиҳатидан белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ташкил этиш;**

ташқи иқтисодий фаолият алоқалари соҳасида давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи органлари фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш, республикани ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорликни ташкил этиш ҳамда унинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ташқи савдо айланмасининг мутаносиблигини таъминлаш, экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, товарлар ва хизматлар импорт ҳажмлари ва тузилмасини оптималлаштириш, божхона-тариф ва нотариф сиёсатни тартибга солишга доир таклифлар тайёрланишини ташкил этиш борасида ягона ташқи иқтисодий сиёсат юритилишини мувофиқлаштириш;

тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари яқунлари бўйича ташқи савдо ҳамкорлиги юзасидан эришилган келишувлар бажарилишининг мониторингини амалга ошириш, шунингдек, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорликни

чуқурлаштиришга доир ишлаб чиқилган таклифларни таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

импорт қилинадиган маҳсулот ҳажмлари ва турлари ҳар томонлама таҳлил этилишини ташкил қилиш, шу асосда импортни янада қисқартириш, импорт божхона божларини оптималлаштириш, божхона маъмуриятчилигини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзига хос товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензиялар берилишини таъминлаш;**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида буюмлар ва маҳсулотлар экспорти бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш;

тегишли вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ҳамда ташқи иқтисодий ҳавфсизлигига риоя этилишини таъминлаш юзасидан хулосаларни эксперт жиҳатидан ишлаб чиқиш ҳамда тайёрлашда белгиланган тартибда иштирок этиш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари вакиллари билан ўтказиладиган музокараларда иштирок этиш;

***б) инвестиция дастурлари, хусусан, ҳудудий инвестиция дастурларини шакллантирилишини мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш соҳасида:***

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларини, қисқа ва ўрта муддатли тармоқ ҳамда ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тадбирларини мувофиқлаштириш;

инвестициялардан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш;

молиялаштиришнинг турли манбалари, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани иқтисодий юксалтириш ҳамда мувозанатли ривожлантириш суръатларининг инвестиция ресурсларига бўлган эҳтиёжлар билан боғлиқлигини таъминлашга доир таклифлар ишлаб чиқиш;



давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан инвестиция, моддий ва қиймат баланслари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, уларнинг ижроси юзасидан мониторинг юритиш;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда **йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш схемаларини кўриб чиқиш;**

инвестиция лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аниқ инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатларини кўриб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг самарали ҳамда энг мақбул схемаларини танлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, инвестиция дастурлари доирасида маблағлар жалб этилиши ҳамда ўзлаштирилиши бўйича белгиланган прогноз параметрлар бажарилиши учун тизимли ва қатъий назоратни ташкил қилиш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ҳамда мониторинг давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар базаси яратилиши, юритилиши ҳамда мунтазам янгиланишини таъминлаш;

давлат инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши, инвестиция дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарорларининг бажарилишини, жумладан, жойига чиққан ҳолда ўрганиш, Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ҳамда таклифлар тайёрлаш;

инвестиция лойиҳаларининг дастлабки ва якуний техник-иқтисодий асослари ҳамда ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилиши ва мослаштирилиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, шунингдек, лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиши, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва техник қўллаб-қувватланишини таъминлаш;

*в) хорижий инвестицияларни жалб қилиш, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва уларнинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:*

хорижий инвестицияларни жалб этиш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва имтиёзлар бериш соҳасида вазирликлар ва идоралар фаолияти мувофиқлаштириш ва самарали ҳамкорликни таъминлаш;

мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг билан инвестициявий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2019 йил 28 январдаги ПФ–5643-сон Фармонида мувофиқ хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш, уларнинг иқтисодиётга кенг киритилиши учун шарт-шароитларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш учун инвестиция таклифларининг ягона базасини шакллантириш ва янгилаш жараёнини мувофиқлаштиришни таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида яратилган инвестиция муҳити, шу жумладан инвестиция киритиш жараёнининг асосий тартиб-таомил масалалари, шунингдек, амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция таклифлари тўғрисидаги ахборотни салоҳиятли инвесторлар ва кредиторларга етказиш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликнинг қисқа ҳамда ўрта муддатли дастурларининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини мувофиқлаштириш, уларнинг вазирликлар ва идоралар томонидан ўз вақтида ва самарали бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

техник кўмаклашиш грантлари ва маблағларини республикага жалб этиш тадбирларини мувофиқлаштириш;

тизимлаштирилган маълумотлар банки шакллантирилиши ва юритилишини ташкил этиш, инвестиция, грант маблағлари жалб этилган лойиҳалар, халқаро молия ва иқтисодиёт институтлари билан ҳамкорлик дастурларига киритилган техникавий кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

**хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларида Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва уларнинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари ишларини мувофиқлаштириш;**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари ишларини мувофиқлаштириш;

инвестиция фаолиятини амалга ошириш, хорижий инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш борасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилишини таъминлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сон қарорига мувофиқ чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш технологияларини янада жорий қилиш, тайёр чарм-пойабзал, чарм-галантерея, мўйна, қоракўл маҳсулотлари ҳамда жун буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

*д) эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш соҳасида:*

**“Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2018 йил 21 декабрдаги ПФ–5600-сон Фармони ҳамда **“Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2019 йил 21 июндаги ПҚ–4363-сон қарорига мувофиқ махсус иқтисодий зоналари маъмурий кенгашлари ва дирекцияларининг, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш масалаларида фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда самарадорлигини таҳлил қилиш, эркин иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашларига ташқи бозорларда талаб қилинган ва импортнинг ўрнини босувчи юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш;

саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасида янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шу жумладан маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида жойлаштирилган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторинги олиб борилиши ва таҳлил қилинишини ташкил этиш;

инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишда, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация

ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда келишиш;

**эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини янада ривожлантириш, республика ҳудудларининг мавжуд ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий хомашё ва материалларни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш асосида уларда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган лойиҳаларни жойлаштириш бўйича таклифлар ва дастурларни шакллантириш;**

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтириш мақсадида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир таклифларни белгиланган тартибда киритиш;

***е) иқтисодиётнинг реал сектори маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида:***

юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш, ташқи бозорларда рақобатбардош янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларни жаҳон бозорларига чиқариш ҳисобидан экспорт салоҳиятини кенгайтириш, товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажмлари ва тузилмасини оптималлаштириш бўйича иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ички ва ташқи бозорларни ривожлантириш тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш ишларини мувофиқлаштириш, шу асосда иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, авваламбор, экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини ошириш, ташқи савдо бозорларини диверсификациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

**товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг хар йиллик прогнозларини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш ва давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари томонидан экспортнинг белгиланган прогноз параметрлари сўзсиз бажарилишини тизимли назорат қилиш;**

маҳаллий товарларни (ишлар, хизматларни) ташқи бозорларга чиқариш учун қулай шароитлар билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик субъектларига экспорт фаолиятини амалга ошириш ҳамда хорижий шериклар билан узоқ муддатли барқарор савдо алоқаларини ўрнатишга кўмаклашиш;

маркетинг тадқиқотларни ташкил қилиш, экспортнинг асосий номенклатураси, экспорт қилувчи ташкилотларда маркетинг хизматлари

ташқил этилиши ҳамда фаолият кўрсатишига услубий ва амалий кўмаклашиш бўйича маркетинг ва таҳлилий шарҳлар тайёрлаш;

иктисодиёт реал сектори корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва дастурларнинг ҳар томонлама таҳлил этилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, қайд этилган лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, бажарилишини мониторинг қилиш, шунингдек, тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришиш юзасидан таклифлар ва тадбирлар ишлаб чиқиш;

***ж) ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш соҳасида:***

юқори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш, ташқи бозорларда рақобатбардош янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларни жаҳон бозорларига чиқариш ҳисобидан ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажмлари ва тузилмасини оптималлаштириш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий бўйсунувдаги корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ташқи бозорлардаги узоқ муддатли тенденцияларнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудлар экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларни ташқил этиш ҳамда экспорт қилувчи корхоналарни амалий қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташқил қилиш;

ҳудудий даражада товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ҳар йилги прогнозларини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар томонидан экспортнинг белгиланган прогноз параметрларини сўзсиз бажарилишини тизимли назорат қилиш;

ҳудудий даражадаги ташкилотлар ва экспорт қилувчи ташкилотларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шарт-шароитлар билан таъминлаш, уларга экспорт фаолиятини амалга ошириш ҳамда хорижий шериклар билан узоқ муддатли барқарор савдо алоқаларини ўрнатишга кўмаклашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташқил этиш;

**ҳудудларда экспортбоп маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришни ташқил қилишда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида ҳудудий бўйсунувдаги ташкилотлар ва бошқа турдош тармоқлар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларининг тармоқлараро саноат кооперациясини йўлга қўйишга кўмаклашиш;**

худудларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича таклифлар, лойиҳалар ва истиқболли режаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда комплекс экспертгадан ўтказиш, устувор лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш, шунингдек, **иктисодиёт ва экспортни ривожлантиришнинг тасдиқланган параметрларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича таклифлар ҳамда тадбирлар ишлаб чиқиш**;

худудий бўсуновдаги ташкилотлар томонидан экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва юклаб жўнатиш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилишининг назоратини ташкил этиш, уларга молиявий ва бошқа ресурсларни жалб қилиш масалалари, шунингдек, экспорт фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш;

жаҳон ва минтақавий мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларининг конъюнктураси чуқур ўрганилишини мувофиқлаштириш, шу асосда республика худудларида янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилишни жадал ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари, узумни экспорт қилиш бўйича ўрта ва узоқ муддатли прогнозлари, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган туманларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш**;

**янги узилган ва қайта ишланган маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқаришни таъминлаш, янги савдо бозорларини топиш ҳамда ўзлаштириш, республикада халқаро мева-сабзавот ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тузиладиган шартномалар доирасида уларни етказиб бериш ҳажмлари ва географиясини мониторинг қилиш**;

экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан экспорт маҳсулотларини етиштириш ва юклаб жўнатиш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторингини таъминлаш, уларнинг фаолиятида юзага келадиган, шу жумладан зарур молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш;

мамлакатда янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни ташкил этиш учун ихтисослаштирилган янги инфратузилма объектларини ташкил қилиш, сабзавот омборлари ва совутиш қурилмаларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш, замонавий идиш-қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

***3) экспорт фаолиятини молиявий ва сугурта жиҳатидан қўллаб-қувватлаш соҳасида:***

экспорт қилувчи корхоналарнинг молиявий ресурслардан фойдаланишини таъминлаш ишларини ташкил этиш, нохомашё экспорт ҳажмлари, миллий экспортчилар ва уларнинг маҳсулотларини харид қилувчи мамлакатлар сонини кўпайтиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2019 йил 24 майдаги ПҚ–4337-сон қарори, **“Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидага”** 2020 йил 7 майдаги ПҚ–4707-сон қарорига мувофиқ республикада ва хорижда халқаро стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш тизимларини жорий қилиш, **хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотни рўйхатга олиш боғлиқ харажатларни қоплаш, маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш учун экспорт қилувчи корхоналарга мақсадли молиявий кўмаклашиш механизмларини ишлаб чиқиш** ва жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

маҳаллий экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш ва суғурталаш механизмларини муваффақиятли жорий қилган хорижий давлатлар тажрибаси инобатга олинган ҳолда, экспортолди ва экспортни молиялаштиришни, экспорт кредитлари ва таваккалчиликларини суғурталаш механизмлари, жумладан, халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда жорий этилишини таъминлаш;

савдони молиялаштириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг қарзлари ва имтиёзли кредитларини жалб қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

**к) Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (кейинги ўринларда – ЖСТ) қўшилиши соҳасида:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2019 йил 28 январдаги ПФ–5643-сон Фармонида белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ЖСТ қўшилиши учун зарур материаллар ва ҳужжатлар пакетини тайёрлаш, шунингдек, миллий қонунчиликни ЖСТ битимлари талабларига мувофиқ мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга қўшилиши бўйича музокара жараёнида Ўзбекистон Республикаси вакиларининг иштирок этишини мувофиқлаштириш, унинг котибияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ташқи савдо соҳасида икки томонлама ҳамда кўп томонлама битимлар (шартномалар) тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТдаги маслаҳатчиси-вакили ва ЖСТ тузилмалари билан ишлаш бўйича биринчи котиб, Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги (Швейцария Конфедерацияси) БМТ Бўлими ва бошқа халқаро ташкилотлар хузуридаги Доимий вакили фаолиятини мувофиқлаштириш.

***л) транспорт-логистикани ривожлантириш соҳасида:***

инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш ва ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан транзит салоҳияти даражасини ошириш, логистика ва транспорт йўлакларини такомиллаштириш, шунингдек, экспорт маршрутларини диверсификация қилиш масалаларини илгари суриш;

халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, юк ташиш транспорти оқимларини мақбуллаштириш, халқаро ва минтақавий транзитни ривожлантириш;

транспорт соҳасида инвестиция, экспорт ва халқаро йўналишларда логистика тизимида хавфсизликни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш, инновацион технологиялар ва интеллектуал транспорт тизимларини жорий этиш;

***м) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш соҳасида:***

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш ҳамда уларга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий давлатлар билан муносабатларни қисқа ва ўрта муддатли ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикасида халқаро тадбирларни ташкил этиш ва республика делегацияларининг хорижда ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан таклифлар киритиш;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилишларда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, турли даражадаги ташрифлар ҳамда



республикада ва хорижда халқаро тадбирларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишга доир таклифлар киритиш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг олий ва юқори даражадаги ташрифларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

республика делегацияларининг хорижий давлатларга ташрифларини ташкил қилиш ва халқаро тадбирларда иштирок этиши, шунингдек, хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари дастурларини тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарорларининг тайёрланиши ва қабул қилинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифларига ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлашда иштирок этиш;

**Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларга олий ва юқори даражадаги ташрифлар, шунингдек, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида эришилган келишувларнинг бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ишларини мувофиқлаштириш;**

олий ва юқори даражадаги ташрифлар натижалари бўйича ҳисоботларни тўплайди, умумлаштириш, тайёрлаш ҳамда маълумотлар банкини юритиш;

халқаро ташкилотлар доирасида турли даражадаги мажлисларга ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш, халқаро тадбирлар кун тартиби масалалари юзасидан республиканинг позициясини белгилаш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий давлатларнинг дипломатик миссиялари ва халқаро ташкилотлар, хорижий ҳукуматлар, тижорат ҳамда банк тузилмалари ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

**Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;**

*м) ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг баённома қарорлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) мажлисларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш;

ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) мажлисларининг кун тартибини ва Ўзбекистон Республикаси делегациясининг таркибларини келишишда иштирок этади;

**ҳукуматлараро комиссияларнинг (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) мажлислари якунлари бўйича эришилган келишувлар ҳамда қабул қилинган баённома қарорлар Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан бажарилишини назорат ҳамда мониторинг қилиш;**

ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари раҳбарлик қиладиган ҳукуматлараро комиссияларнинг (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) Котибият юритадиган масалалар бўйича мажлисларида иштирок этиш;

*н) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқиш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларининг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсадлари ҳамда вазифаларига, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларга мувофиқлиги юзасидан уларни эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқиш;

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, ҳамда унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ҳамда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда иштирок этиш;**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати, Бош вазири, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланадиган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

8. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

**аниқ соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларни ўрганиш мақсадида Котибиятга бириктирилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида минтақаларда Ҳукуматнинг мавзули сайёр (очиқ) мажлисларини тизимли асосда ўтказиш учун тегишли таҳлилий материалларни тайёрлайди;**

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Бош вазирнинг маслаҳатчилари ҳузурида кўриб чиқиш учун тегишли режали масалаларни тайёрлайди ва киритади;

**яқин, ўртача муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган инвестиция ва ташқи иқтисодий сиёсатни ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари бўйича давлат дастурлари ва “йўл хариталари” тайёрланишини ва Бош вазир, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари ҳузурида ҳимоя қилинишини таъминлайди;**

Котибиятга бириктирилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали ва натижали ижро этилиши учун уларнинг раҳбарлари шахсий роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўради;

аниқ ҳолатлар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш учун оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда, шу жумладан, жойнинг ўзига бориб жамоатчилик фикрини ўрганишни таъминлайди;

тегишли тармоқлар ва мутасаддилик қилинадиган масалалар бўйича туркумлаштирилган электрон маълумотлар базалари ташкил этилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда тўлдирилиши ва янгиланишини таъминлайди;

йил чораклари яқунлари бўйича тежалган ёки ўзлаштирилмаган капитал қўйилмалар лимитларини биринчи навбатда республика ва минтақавий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга мақсадли йўналтирган ҳолда қайта тақсимлаш бўйича таклифлар тайёрланишини мувофиқлаштиради;

**махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашлари, дирекциялари ёки бошқа органлар ва ташкилотларнинг инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаганлиги тўғрисидаги асосланган тақдимномалари бўйича эркин иқтисодий зоналарни тўхтатиб қўйиш ёки эркин иқтисодий зоналар иштирокчиси мақомидан маҳрум қилиш, маъмурий кенгашларнинг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорларини бекор қилиш бўйича таклифларни тайёрлайди;**

Котибиятнинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича ахборотни умумлаштиради ва таҳлилий қайта ишлайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосари учун, шунингдек, уларни Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш учун тегишли маълумотнома, таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

ташкilotлар ва хуудларда ишларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини, Котибият юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини, шу жумладан, жойларга чиқиб ўрганади, ўрганиш яқунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материалларнинг сифатли тайёрланишини таъминлайди;

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ материалларни тайёрлашда ва қарорларни расмийлаштиришда иштирок этади ва кўрсатиб ўтилган материаллар ҳақида Бош вазирнинг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот беради, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли баёнларининг қарорлари ижросини назорат қилинишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг айрим функциялари ва вазифаларини бириктирилган соҳада вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга юкланган давлат сиёсати самарали ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун уларга бериш бўйича Бош вазир ўринбосарига таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материаллар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари комплекс ва сифатли ишлаб чиқиши ва тайёрланишини, шунингдек, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан келишилишини таъминлайди;

Котибият ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини ташкил этади;

юкланган вазифаларга мувофиқ Котибиятга бириктирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва ҳудудлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

Котибият ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

Котибиятга бириктирилган хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг номенклатурасига кирадиган раҳбарлар лавозимларига номзодлар бўйича таклифларни кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан маъқулланиши учун тайёрлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Бош вазирнинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар ишлари самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқишини назорат қилади, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул қилади;

Котибият ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### **3-боб. Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

9. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

**Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ўрганиш мақсадида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат бошқаруви ҳудудий органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари раҳбарлари иштирокида минтақаларда Ҳукуматнинг мавзули сайёр (очик) мажлисларини тизимли асосда тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этиш;**

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

марказий иқтисодиёт органлари, илмий-тадқиқот марказлари ва институтларнинг ходимларини, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда ахборот-таҳлилий тадқиқотларни амалга ошириш учун эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

бириктирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг коллегиял органлари мажлисларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарининг топшириғига биноан эса - давлат бошқа органларининг, нодавлат ноижорат ва бошқа ташкилотларнинг Котибият юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда, **“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолда тушаётган ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш учун қайтариб юбориш.

Котибиятнинг зарур материалларни, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг,

унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, уларда белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

#### 10. Котибият:

тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқаруви бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижроси мониторинги олиб борилиши;

ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида кўрсатилган ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг зарур тарзда ва самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, **“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Котибият ваколатига тааллуқли масалалар бўйича бошқа қонун ҳужжатлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, баённомалари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Котибиятдаги ишларнинг ҳолати, бириктирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар фаолиятининг зарур даражада мувофиқлаштирилиши ва мониторинг олиб борилиши, Котибият ваколатига кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилиши;

**олий даражадаги хорижий ташрифлар, шунингдек, республика ҳудудларига сафарлар якунлари бўйича Котибият ваколатига кирадиган масалалар бўйича тасдиқланадиган “йўл хариталари”нинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;**

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш, инвестиция (давлат) дастурларини ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш, уларни амалга оширишни ташкил этиш ва минтақаларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари улардаги масалалар барча манфаатдор

тузилмалар билан боғлиқликда давлат манфаатларини, иқтисодий самарадорликни таъминлаш нуктаи назаридан пухта экспертизадан ўтказилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 апрелдаги ПФ-5395-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорларига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилиши учун жавоб беради.

#### **4-боб. Котибиятнинг тузилмаси**

11. Котибиятнинг тузилмасига:

**Котибият мудир;**

**Котибият мудирининг ўринбосари** (инвестициялар масалалари);

инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга оширилиши мониторингини олиб бориш масалалари бўйича бош мутахассис;

халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторинги ва лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари фаолияти масалалари бўйича бош мутахассис;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда дипломатик ваколатхоналарнинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари ва халқаро ташкилотлардаги доимий вакиллар фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича бош мутахассис;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассис;

худудий инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга оширилиши мониторингини олиб бориш масалалари бўйича бош мутахассис;

**Котибият мудирининг ўринбосари** (экспорт, импортни оптималлаштириш, божхона-тариф ва нотариф тартибга солиш масалалари);



импортни оптималлаштириш, божхона-тариф ва нотариф тартибга солиш масалалари бўйича бош мутахассис;

маркетинг фаолиятини ташкил этиш, ташқи конъюнктура таҳлили, экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва суғурта қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

иктисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспортини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассис;

ҳаво транспорти соҳасида инвестиция, экспорт ва халқаро йўналишларда юк ташиш логистикаси масалалари бўйича бош мутахассис;

темир йўл транспорти соҳасида инвестиция, экспорт ва халқаро йўналишларда юк ташиш логистикаси масалалари бўйича бош мутахассис;

автомобиль транспорти соҳасида инвестиция, экспорт ва халқаро йўналишларда юк ташиш логистикаси масалалари бўйича бош мутахассис;

халқаро шартномалар ижроси таҳлили, ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш ва ЖСТ билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

**Халқаро ҳамкорлик масалалари шўъбаси мудири** (Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий даражадаги ташрифлари учун таҳлилий материаллар тайёрлаш масалалари);

Европа ва Америка мамлакатлари билан икки томонлама ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, юқори даражадаги Ҳукумат делегацияларининг ташрифлари учун таҳлилий материаллар тайёрлаш масалалари бўйича бош мутахассис;

Осиё-Тинч океани минтақаси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва юқори даражадаги Ҳукумат делегацияларининг ташрифлари учун таҳлилий материаллар тайёрлаш масалалари бўйича бош мутахассис;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, шу жумладан Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва юқори даражадаги Ҳукумат делегацияларининг ташрифлари учун таҳлилий материаллар тайёрлаш масалалари бўйича бош мутахассис;

Бош вазир ўринбосарининг ёрдамчиси;

Бош вазир ўринбосарининг инспектори;

Котибият ва шўъба инспекторлари киради.

Котибият тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

12. Котибият ишларига Котибият мудири раҳбарлик қилади.

13. Котибият мудирлари, унинг ўринбосарлари, шўъба мудирлари, мутахассислар ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг ёрдамчиси белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

### **5-боб. Котибият фаолиятини ташкил этиш**

14. Котибият ишлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати тўғрисидаги Низомга, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарлари, маслаҳатчиларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Котибиятнинг иш режалари, Котибият мудирлари, унинг ўринбосарлари ва мутахассисларининг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Котибиятнинг иш режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати тасдиқлайдиган Вазирлар Маҳкамаси иш режаси асосида шакллантирилади.

Котибиятнинг иш режаси, Котибият мудирининг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишилади ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади.

Котибият мудирлари ўринбосарларининг ва бош мутахассисларнинг шахсий иш режалари Котибият мудирлари томонидан тасдиқланади.

Котибиятга бириктирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари амалга оширилиши тизимли мониторингини олиб бориш бўйича Котибиятнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг иш режасига мувофиқ комплекс ўрганиш йўли билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари топшириқларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида ҳисоботларини эшитган ҳолда таъминланади.

15. Котибият мудирлари:

Котибиятга бевосита раҳбарлик қилади, Котибият мудирининг ўринбосарлари ва бош мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда

Котибиятга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритилган Котибият юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида, республика ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторинг ташкил этилишини ҳамда маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек, муаммоли масалаларни ҳал этиш, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар жадвалига мувофиқ Котибиятда лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, Котибият мудирининг ўринбосари ва бош мутахассисларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига кўриб чиқиш учун киритади;

Котибият мудирининг ўринбосарлари ва бош мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш, шунингдек, Котибиятнинг ярим йиллик учун иш режаси лойиҳасини келишиш учун Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига киритади, Котибият мудирининг ўринбосарлари ва бош мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, Ҳукумат қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, бошқа ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан Котибият юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Котибият кадрлар захирасини шакллантириш ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли иш олиб борилиши ташкил этилишини таъминлайди;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, Котибият ваколатига кирувчи масалалар бўйича уларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

кадрлар танлаш тизимини такомиллаштириш, Котибият ходимлари малакасини оширишнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, кадрларнинг амалий захирасини тайёрлаш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини кўради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

чикувчи хат-хабарларни имзолайди.

16. Котибият мудирининг вақтинчалик бўлмаганда унинг вазифасини Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг ихтиёрига кўра Котибият мудирининг ўринбосарларидан бири бажаради.

17. Котибият мудирининг ўринбосари:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарлик қилади ва уларга бириктирилган масалалар бўйича Котибиятга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши ва ижро интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

уларга бириктирилган масалалар бўйича материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади, топшириқлар бажарилиши назорат қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритилган Котибият юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил қилади. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Котибият мудирига, шунингдек, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, Бош вазирнинг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот беради;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида, республика ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторинг ташкил этилишини ҳамда маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек, муаммоли масалаларни ҳал этиш, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболли

вазифаларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлайди;

Котибият мудирининг билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукумати қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, бошқа ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборади;

инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолиятни, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, тегишли соҳалардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил этади ва Котибият мудирига тақдим этади;

Котибиятнинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси ўтказадиган кенгашларда белгиланган тартибда иштирок этади;

Котибият мудирининг топшириғига кўра чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Котибият мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларини тақсимлаш бўйича таклифларни киритади;

Котибият мудирига лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, Котибият мутахассислари малакасини ошириш, рағбатлантириш ва уларни жазолаш тўғрисида таклифлар киритади.

#### 18. Шўъба мудирининг:

Шўъбага бевосита раҳбарлик қилади, мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади, Шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизоми учун шахсан жавоб беради;

Шўъба юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда тайёрлашда иштирок этади;

халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга кўшилиш, ратификация қилиш ҳамда тасдиқлаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашда иштирок этишни ташкил қилади;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ишлаб чиқиши ташкил қилади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари, кенгашлар ва бошқа коллегиял органлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан Шўъба юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида Шўъба юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

#### 19. Котибиятнинг бош мутахассиси:

ўз функционал вазифаларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар юзасидан зарур таҳлилий материалларни ва эксперт хулосаларни тайёрлайди, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисида Котибият мудирига ва унинг ўринбосарларига, шунингдек, белгиланган тартибда – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосарига ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича режа-жадвални ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳамда унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиришни ва юритишни, унинг мунтазам равишда тўлдириб ва янгилаб борилишини ташкил қилади;

бириктирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва юридик хизматлар)нинг таркибий бўлинмалари ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганиб боради, уларнинг коллегиял органлари мажлисларида қатнашади, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари самарали ҳал этилиши бўйича Котибиятга бириктирилган вазирликлар ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ишини таъминлайди;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича материаллар ва ҳужжатлар тайёрлайди;

бириктирилган масалалар юзасидан тегишли маълумотнома ва таҳлилий материаллар тайёрлашда иштирок этади;

идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб боришнинг аниқ тизимини жорий қилиш йўли билан бириктирилган соҳада давлат сиёсати самарали ва сифатли амалга оширилишида Котибиятга бириктирилган вазирликлар ва идораларнинг мустақиллигини кучайтиришда иштирок этади;

аниқ кўрсаткичларга ва мақсадли индикаторларга эришишга, яқин, ўртача муддатли ва узоқ муддатли истиқболга иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани стратегик ривожлантириш дастурларини амалга ошириш сифати ва самарадорлигини таъминлашга асосланган идоравий мансуб ташкилотлар ва улар раҳбарларининг фаолиятини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этади;

ўзига бириктирилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек, ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни зарур даражада тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига бириктирилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бош вазир ўринбосарининг ёрдамчиси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилиши назорат ва таҳлил қилинишини таъминлайди, улар бажарилишининг бориши ва натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарининг жорий иш режалари шакллантирилишида иштирок этади ва уларнинг ижросини ташкил қилади;

Вазирлар Маҳкамасининг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари кўриб чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари маърузалари ва нутқлари учун ахборот-маълумотнома ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишлар ва мажлисларни, шу жумладан, Ҳукумат комиссиялари мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этади, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг белгиланган муддатларда ижро этилишини назорат қилади, Котибият мудирини ва Бош вазир ўринбосарини топшириқлар бажарилишининг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари номига тушадиган хат-хабарларни таҳлил қилади, тегишли материаллар тўғрисида ахборот беради ва хат-хабарларга топшириқларни белгиланган тартибда ижрочиларга юборади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари қабул қилинишини ташкил этишни таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан қабул қилинишини ташкил этади, Бош вазирининг ўринбосари топшириғи бўйича фуқароларни шахсан қабул қилади.

21. Инспектор Котибиятда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатларнинг Котибиятда ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, инспекторга юкланган бошқа функцияларни бажаради.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 31 декабрдаги 822 -сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи  
савдони мониторинг қилиш инспекцияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирини (кейинги ўринларда – Бош вазир ўринбосари), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси), унинг Раёсатини, шунингдек, Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясини (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси), Вазирлар Маҳкамаси аппаратини олий даражадаги ташрифлар якунлари билан қабул қилинган “йўл харита”ларининг ижро ҳолати, инвестиция дастури доирасида инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш ҳамда ҳудуд ва тармоқларда маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Инспекция ўз фаолиятини Бош вазири ўринбосари раҳбарлигида ҳамда Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти билан келишган ҳолда амалга оширади.

Инспекция Бош вазир ўринбосарига бўйсунди, бир вақтнинг ўзида унинг фаолияти Ҳукумат комиссияси ва Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Инспекция ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда амалга оширади ҳамда олий даражадаги ташрифлар якунлари билан имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан “йўл

харита”ларини лойиҳаларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштиради ва қабул қилинган “йўл харита”лари ижросини назорат қилади, ривожланиш дастури доирасида инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этади, ҳудуд ва тармоқларда маҳаллийлаштириш жараёнини ҳамда ташқи савдони, шунингдек Ҳукумат комиссиясининг қарорлари ва топшириқлари ижросини мониторинг қилади.

## **2-боб. Инспекция фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар Инспекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

**“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** номли асосий принципни ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси** вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясини, **2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини** ҳамда ўрта муддатли ва узоқ истиқболда ривожлантиришнинг тасдиқланган тармоқ ва ҳудудий дастурлари ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутатлар ва сенаторлар сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Ҳукумат комиссиясининг қарорлари ва топшириқлари бажарилишини мониторинг қилиб бориш, шунингдек, жойлардаги ишларнинг реал ҳолатини доимий ўрганиш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;

кейинчалик **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этиш мақсадида тегишли йил учун қабул қилинган давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан** келиб чиқадиган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида таҳлилий материаллар ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш;

иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу асосда стратегик ҳамда устувор вазифаларни амалга оширишга доир комплекс таклифлар ишлаб чиқиш;

Ҳукумат аъзолари, барча даражалардаги вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг самарали ва натижали бажарилиши учун уларнинг шахсий роли ҳамда масъулиятини ошириш;

олий даражадаги ташрифлар якунлари билан қабул қилинган “йўл харита”ларининг ижросини ҳамда ривожланиш дастури доирасида инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан назорат қилиш, ҳудуд ва тармоқларда маҳаллийлаштириш жараёнини ҳамда ташқи савдони мониторинг қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш орқали кучайтириш;

**олий даражадаги ташрифлар якунлари билан қабул қилинган “йўл харита”ларининг ижро ҳолати, ривожланиш дастури доирасида инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдони мониторинг қилиш ҳамда ҳудуд ва тармоқларда маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш йўналишлари бўйича масалалар тайёрланишини ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати ва Ҳукумат комиссияси мажлисларида кўриб чиқишнинг таъминлаш;**

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан, шу жумладан илғор тажрибани ўрганиш асосида, зарурат бўлганда, ушбу мақсадлар учун хорижий консультантларни жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, экспертизадан ўтказиш ва кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

Инспекцияда, шунингдек, вазирликлар ва идораларда ижро интизоми даражасини ошириш, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, баённомалари ва топшириқлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, “йўл хариталари”нинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини юзага келадиган муаммолар сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, ишни ташкил қилишнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга қайта йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини хусусий субъектларга бериш орқали ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш;

Инспекцияда ходимлар малакасини ошириш ва кадрларнинг амалий захирасини тайёрлашнинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш.

7. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

***а) олий даражадаги ташрифлари яқунлари билан қабул қилинган “йўл харита”ларининг ижросини ва инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини назорат қилиш, ҳудуд ва тармоқларда маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш ҳамда ташқи савдони мониторинг қилиш соҳасида:***

давлат инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишларини мувофиқлаштириш;

инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолиятини, инвестор томонидан ўзининг инвестиция мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокида инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш орқали мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари яқунлари бўйича ташқи савдо ҳамкорлиги юзасидан эришилган келишувлар бажарилишининг мониторингини амалга ошириш, шунингдек, хорижий давлатлар, халқаро тузилмалар ва хорижий компаниялар билан ташқи иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга доир ишлаб чиқилган таклифларни таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

импорт қилинадиган маҳсулот ҳажмлари ва турлари ҳар томонлама таҳлил этилишини ташкил қилиш, шу асосда импортни янада қисқартириш, импорт божхона божларини оптималлаштириш, божхона маъмуриятчилигини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

***б) олий даражадаги ташрифлар натижасида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари” ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:***

олий даражадаги ташрифларга тайёргарлик кўриш бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорларида назарда тутилган ташкилий тадбирларнинг ўз вақтида ижро қилиниши устидан назорат ўрнатиш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган учун ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини батафсил ўрганиб чиқиш;

“йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирлар, шу жумладан экспорт келишувларининг тўлақонли бажарилиши ҳамда инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

“йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларнинг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз вақтида ҳамда самарали ижро этилишини таъминлаш, тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан “йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларнинг ижро этилишида сунъий равишда чўзиш ва сансалорлик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

“йўл хариталари”нинг ижроси бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таҳлил қилиш ва унинг асосида таҳлилий маълумотларни тегишли таклифлар билан биргаликда муҳокама қилиш учун Ҳукумат комиссияси ва Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига киритиш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотнинг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали ўз вақтида тақдим этилиши устидан назорат ўрнатиш;

***в) стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш соҳасида:***

стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг маълумотлар базасини шакллантириш;

стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш, тегишли тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаб, тизимли таҳлил қилган ҳолда, якуний натижаларга эришиш учун уларни ҳал этишда, шу жумладан, жойига чиққан ҳолда зарур ёрдам кўрсатиш;

стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши устидан мониторинг ва доимий назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиш;

стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ахборотларининг асосланганлигини бирламчи маълумотлар асосида ўрганиш;

***з) тармоқ ва ҳудудларда маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш соҳасида:***

республика импорт ҳажми ва номенклатурасини чуқур таҳлил қилиш асосида ҳамда ҳудудлардаги мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллийлаштириладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт

қисмлар ва материалларнинг аниқ рўйхатини шакллантиришни мувофиқлаштириш;

республикада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб этиш, саноат кооперациясини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни мувофиқлаштириш;

маҳаллийлаштириш дастурлари лойиҳаларини шакллантириш, уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда, шунингдек ҳамкорлар топиш, узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда тармоқлар ва ҳудудларга ҳамда лойиҳа ташаббускорларига доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиш;

маҳаллийлаштириш дастуридаги лойиҳаларда белгиланган мақсадли параметрларга эришишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

мониторинг натижалари бўйича аниқланган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Ҳукумат комиссияси муҳокамасига киритиб бориш;

***д) бюджет ташкилотлари, бюджет маблағларини олувчилар, мониторинг юритиладиган корхоналар томонидан импорт қилинган маҳсулотларнинг асосланганлигини ўрганиш соҳасида;***

бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек мониторинг юритиладиган корхоналар томонидан амалга оширилган импорт ҳажмлари ва номенклатурасини доимий таҳлил қилиш;

бюджет ташкилотлари, бюджет маблағларини олувчилар ва мониторинг юритиладиган корхоналар томонидан давлат харидлари доирасида сотиб олинган маҳсулотларнинг асосланганлигини, импортдан олинган маҳсулотларнинг, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари — резидентлардан харид қилинган импорт маҳсулотларининг нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ўрганиш;

ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар натижалари бўйича маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан тайёрланган маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Ҳукумат Комиссияси муҳокамасига киритиб бориш.

***е) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқиш соҳасида:***

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларининг мамлакатда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг мақсадлари ҳамда вазифаларига,

шунингдек, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларга мувофиқлиги юзасидан уларни эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқиш;

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосари, ҳамда Ҳукумат комиссияси ўтказадиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ҳамда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда иштирок этиш;**

8. Инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

**Инспекция ўзига бириктирилган соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида минтақаларда Ҳукуматнинг мавзули сайёр (очик) мажлисларини тизимли асосда ўтказиш учун тегишли таҳлилий материалларни тайёрлайди;**

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати ва Ҳукумат комиссияси мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ҳузурида кўриб чиқиш учун тегишли режали масалаларни тайёрлайди ва киритади;

**яқин, ўртача муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган инвестиция ва ташқи иқтисодий сиёсатни ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари бўйича давлат дастурлари ва “йўл хариталари” тайёрланишини ва Бош вазир, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари ҳузурида ҳимоя қилинишини таъминлайди;**

Инспекцияга бириктирилган соҳа ва йўналишларда мутасадди вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали ва натижали ижро этилиши учун уларнинг раҳбарлари шахсий роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўради;

тегишли тармоқлар ва мутасаддилик қилинадиган масалалар бўйича туркумлаштирилган электрон маълумотлар базалари ташкил этилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда тўлдирилиши ва янгиланишини таъминлайди;

йил чораклари яқунлари бўйича тежалган ёки ўзлаштирилмаган капитал қўйилмалар лимитларини биринчи навбатда республика ва минтақавий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга мақсадли йўналтирган ҳолда қайта тақсимлаш бўйича таклифлар тайёрланишини мувофиқлаштиради;

Инспекциянинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича ахборотни умумлаштиради ва таҳлилий қайта ишлайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош

вазирнинг ўринбосари, Ҳукумат комиссияси учун, шунингдек, уларни Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш учун тегишли маълумотнома, таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Инспекция юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини, шу жумладан, жойларга чиқиб ўрганади ва назорат қилади, ўрганиш яқунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, Ҳукумат комиссияси ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материалларнинг сифатли тайёрланишини таъминлайди;

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ материалларни тайёрлашда ва қарорларни расмийлаштиришда иштирок этади ва кўрсатиб ўтилган материаллар ҳақида Бош вазирнинг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчисига ахборот беради, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли баёнларининг қарорлари ижросини назорат қилинишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг айрим функциялари ва вазифаларини бириктирилган соҳада вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга юкланган давлат сиёсати самарали ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун уларга бериш бўйича Бош вазир ўринбосарига таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, ҳамда Ҳукумат комиссияси томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;



материаллар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари комплекс ва сифатли ишлаб чиқиши ва тайёрланишини, шунингдек, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари билан келишилишини таъминлайди;

Инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Бош вазирнинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар ишлари самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиладди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу муурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқиши н назорат қиладди, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул қиладди;

Инспекция ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### **3-боб. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

9. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

**олий даражадаги ташрифлари якунлари билан қабул қилинган “йўл харита”ларининг ижросини ва инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши назорат қилиш, ҳудуд ва тармоқларда маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш ҳамда ташқи савдони мониторинг қилиш мақсадида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат бошқаруви ҳудудий органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари**

**раҳбарлари иштирокида минтақаларда Ҳукуматнинг мавзули сайёр (очик) мажлисларини тизимли асосда тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этиш;**

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

марказий иқтисодиёт органлари, илмий-тадқиқот марказлари ва институтларнинг ходимларини, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда ахборот-таҳлилий тадқиқотларни амалга ошириш учун эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарининг топшириғига биноан давлат органларининг, нодавлат ноижорат ва бошқа ташкилотларнинг Инспекция юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда, **“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолда тушаётган ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш учун қайтариб юбориш.

Инспекциянинг зарур материалларни, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, уларда белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

**10. Инспекция:**

тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқаруви бошқа органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент, депутат ва Сенат аъзоси сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижроси мониторинги олиб борилиши;

ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида кўрсатилган ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг зарур тарзда ва самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, **“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Инспекция ваколатига тааллуқли масалалар бўйича бошқа қонун ҳужжатлари билан Вазирлар Маҳкамасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши;

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, баённомалари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳукумат комиссиясининг қарорларини сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Инспекциядаги ишларнинг ҳолати, унга бириктирилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар фаолиятининг зарур даражада мувофиқлаштирилиши ва мониторинг олиб борилиши, Инспекция ваколатига кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилиши;

**олий даражадаги хорижий ташрифлар, шунингдек, республика ҳудудларига сафарлар якунлари бўйича Инспекция ваколатига кирадиган масалалар бўйича тасдиқланадиган “йўл хариталари”нинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;**

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш, инвестиция (давлат) дастурларини ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш, уларни амалга оширишни ташкил этиш ва минтақаларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари улардаги масалалар барча манфаатдор тузилмалар билан боғлиқликда давлат манфаатларини, иқтисодий самарадорликни таъминлаш нуктаи назаридан пухта экспертизадан ўтказилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2018 йил 3 апрелдаги ПФ-5395-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг**

комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чоратadbирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорларига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратadbирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилиши учун жавоб беради.

#### 4-боб. Инспекциянинг тузилмаси

11. Инспекциянинг тузилмасига:

Инспекция бошлиғи;

Инспекция бошлиғининг ўринбосари;

Осиё ва Тинч океани ҳавзаси давлатлари билан ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича амалий тадбирлар режаларини (“йўл хариталари”ни) ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги масалалари бўйича бош мутахассис;

Америка минтақаси (АҚШ, Канада, Бразилия ва бошқалар) билан олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича амалий тадбирлар режаларини (“йўл хариталари”ни) ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги масалалари бўйича бош мутахассис;

Европа давлатлари (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия ва бошқалар) билан олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича амалий тадбирлар режаларини (“йўл хариталари”ни) ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги масалалари бўйича бош мутахассис;

Марказий Осиё давлатлари билан ҳамда Туркий давлатлар кенгаши доирасида олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича амалий тадбирлар режаларини (“йўл хариталари”ни) ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги масалалари бўйича бош мутахассис;

МДХ давлатлари (Марказий Осиё давлатларидан ташқари) билан олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича амалий тадбирлар режаларини (“йўл хариталари”ни) ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги масалалари бўйича бош мутахассис;

Жанубий Осиё ва Ўрта Шарқ давлатлари (Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқалар) билан олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича амалий тадбирлар режаларини (“йўл хариталари”ни) ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги масалалари бўйича бош мутахассис;

Араб ва Африка давлатлари (БАА, Миср, Саудия Арабистони, Кувайт, Ўмон, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалар) билан олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича амалий тадбирлар режаларини (“йўл хариталари”ни) ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги масалалари бўйича бош мутахассис;

инвестиция дастурлари доирасида металлургия, заргарлик, автомобиль, электротехника, тўқимачилик ва чармсаноати соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

инвестиция дастурлари доирасида энергетика, энергиянинг тикланадиган манбалари, кимё, нефть-кимё саноати ва геология соҳасидаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

инвестиция дастурлари доирасида ҳудудлар, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

инвестиция дастурлари доирасида аграр ва озиқ-овқат соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

инвестиция дастурлари доирасида банк-молия, хизмат кўрсатиш, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва ижтимоий йўналишдаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш масалалари бўйича бош мутахассис;

тармоқларда маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича бош мутахассис;

ҳудудларда маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича бош мутахассис;

бюджет ташкилотлари, бюджет маблағларини олувчилар томонидан импорт қилинган маҳсулотларнинг асосланганлигини ўрганиш бўйича бош мутахассис;

Инспекция инспектори киради.

Инспекция тузилмаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

12. Инспекция ишларига Инспекция бошлиғи раҳбарлик қилади.

13. Инспекция бошлиғи, унинг ўринбосари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Инспекция мутахассисларида кўп йиллик хизматлари учун устамалар ва лавозим маошларига қўшимча тўловлар, аввалги иш жойида берилган мартаба даражалари ва дипломатик даража сақлаб қолинади. Инспекциядаги иш вақтига мартаба даражалари ва дипломатик даража, шунингдек, кўп йиллик хизматлари учун устамалар олиш учун зарур иш стажи қўшилади.

Инспекция ходимларига кўп йиллик хизматлари учун устамалар ва лавозим маошларига кўшимча тўловларни тўлашга йўналтириладиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

### **5-боб. Инспекция фаолиятини ташкил этиш**

14. Инспекция фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати тўғрисидаги низомга, ушбу низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарлари, маслаҳатчиларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Инспекциянинг иш режалари, Инспекция бошлиғи ва мутахассисларининг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Инспекциянинг иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати тасдиқлайдиган Вазирлар Маҳкамаси иш режаси асосида шакллантирилади.

Инспекциянинг иш режаси, Инспекция бошлиғининг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишилади ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади.

Инспекция бош мутахассисларнинг шахсий иш режалари Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Инспекцияга бириктирилган масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари амалга оширилиши тизимли мониторингини олиб бориш бўйича Инспекциянинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг иш режасига мувофиқ комплекс ўрганиш йўли билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ҳукумат комиссияси топшириқларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида ҳисоботларини эшитган ҳолда таъминланади.

#### **15. Инспекция бошлиғи:**

Инспекцияга бевосита раҳбарлик қилади, Инспекция бош мутахассислари ишларини ташкил қилади ҳамда Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритилган Инспекция юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида, республика ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторинг ташкил этилишини ҳамда маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек, муаммоли масалаларни ҳал этиш, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар жадвалига мувофиқ Инспекцияда лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, Инспекция бош мутахассисларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига кўриб чиқиш учун киритади;

Инспекция бош мутахассислари ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш, шунингдек, Инспекциянинг ярим йиллик учун иш режаси лойиҳасини келишиш учун Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига киритади, Инспекция бош мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, Ҳукумат қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, бошқа ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси томонидан Инспекция юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Инспекция кадрлар захирасини шакллантириш ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли иш олиб борилиши ташкил этилишини таъминлайди;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, Инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича уларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

кадрлар танлаш тизимини такомиллаштириш, Инспекция ходимлари малакасини оширишнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, кадрларнинг амалий захирасини тайёрлаш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини кўради;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

чикувчи хат-хабарларни имзолайди.

16. Инспекция бошлиғи вақтинчалик бўлмаганда унинг вазифасини Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг ихтиёрига кўра Инспекция бошлиғининг ўринбосари бажаради.

17. Инспекциянинг бош мутахассиси:

ўз функционал вазифаларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар юзасидан зарур таҳлилий материалларни ва эксперт хулосаларни тайёрлайди, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисида Инспекция бошлиғига, шунингдек, белгиланган тартибда – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосарига ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича режа-жадвални ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳамда унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;



тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиришни ва юритишни, унинг мунтазам равишда тўлдириб ва янгилаб борилишини ташкил қилади;

бириктирилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва юридик хизматлар)нинг таркибий бўлинмалари ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганиб боради, уларнинг коллегиял органлари мажлисларида қатнашади, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади;

тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари самарали ҳал этилиши бўйича Инспекцияга бириктирилган масалалар бўйича вазирликлар ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ишини таъминлайди;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича материаллар ва ҳужжатлар тайёрлайди;

бириктирилган масалалар юзасидан тегишли маълумотнома ва таҳлилий материаллар тайёрлашда иштирок этади;

ўзига бириктирилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек, ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни зарур даражада тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига бириктирилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Инспектор Инспекцияда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатларнинг Инспекцияда ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, инспекторга юкланган бошқа функцияларни бажаради.

